

Meros

№ 2/2022

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

Каримова С. Абу Райҳон Беруний “Китоб ас-сайдана фи-т-тибб” асари форсча таржимасининг қўлёзмалари ҳақида..... 3
Абдуҳалимов Б. Образцы залоговых документов из энциклопедии Абу Хафса ан-Насафи 11
Тошов Н. Жувайнийнинг “Тарихи жаҳонгушо” ва Рашидиддиннинг “Жоме ат-таворих” асарлари қиёсий тадқиқи 16
Бўриев О. Ҳофиз Шерозий дастхатидаги энг қадимги қўлёзма..... 26
Якубов Қ. Хива хонлиги фатво ҳужжатлари: репрезентация, қозилик амалиёти ва манбашунослик таҳлили ……..... 30

ТАРИХШУНОСИК

Алимова Д. Некоторые вопросы историографии социально-экономических отношений древнего и античного периодов Узбекистана..... 45
Абдурасулов Х. Мясная торговля в Туркестанском генерал-губернаторстве во второй половине XIX – в начале XX века 59

АРХЕОЛОГИЯ

Шомукарамова Ф. Тасодифий топилмалар – Туркистон археологиясининг дебочаси..... 69

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Ходжаева Р. Аллома Имом Замахшарий мақомаларининг маънавий-эстетик хусусияти ва тарбиявий аҳамияти..... 82
Эшонова С., Зокирова Д. Фироқий Хўқандийнинг туркий девони хусусида 88

ХОРИЖИЙ ШАРҚ МАСАЛАЛАРИ

Алимова Л. Конфуцианские традиции в Южно-Корейском обществе..... 100
Каримова Н. «Сиюй шуйдао цзи» Сюй Суна, как особый вид сочинений по исторической географии Центральной Азии второй половины XVIII века 108
Акрамова Ш. Стратегия Дэн Сяопина по модернизации Китая 117

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти
Илмий кенгашининг 2022 йил 26 октябрдаги 6-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Баҳром Абдуҳалимов *(Бош муҳаррир)*
Сурайё Каримова *(Бош муҳаррир ўринбосари)*
Салимахон Эшонова *(Масъул котиб)*
Наталья Каримова *(Рус тили муҳаррири)*
Акрам Ҳабибуллаев *(АҚШ, Инглиз тили муҳаррири)*
Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин *(Германия)*
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек *(Туркия)*
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктамбек
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон: *(8 371) 262-54-61,*
Факс: *(8371) 262-52-77*
E-mail: beruni1@uznet.uz

--.--.2022 йилда босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 70x100 1/16. “Times New Roman” гарнитураси. Шартли босма табоғи 8,25. Адади 100 нусха. Буюртма рақами №: -- . ЎзРФА “Фан” нашриётида нашр этилди.

АРХЕОЛОГИЯ

Ф. Шомукарамова

Тасодифий топилмалар – Туркистон археологиясининг дебочаси

XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия империясининг Марказий Осиё минтақасини эгаллаган давридан бошлаб, метрополия (мустамлака маркази)нинг тадқиқот ишларида Туркистон ўлкаси халқлари ўтмишининг турли қирраларига амалий жараён сифатида қизиқиш фаоллашган. Аввалambор, бу – мустамлака маъмуриятининг бир томондан минтақани самарали бошқариш учун маҳаллий жамият тараққиётининг ички механизми ва тадрижий ривожини билишга бўлган талаби, бошқа томондан истилочиликнинг минтақага "цивилизацион" таъсирига ижобий тус беришга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, асосий мезонларидан бири ўтмиш ёдгорликларини сақлаш ва ўрганиш эди. Ўтмишдаги археологик ёдгорликларни ўрганиш эгалланган минтақа ҳақида тасаввур берадиган билимларни умумлаштирувчи маълумотлар йиғишдан бошланиб, ҳали бу борада аниқ стратегия ва тушунча, археологик изланишларни малакали ва тизимли олиб бора оладиган етук мутахассислар ҳам йўқ эди. Шундай бўлса-да, бу йўналишда, асосан, ўлкашунос-ҳаваскорлардан иборат илк изланувчиларнинг ишлари ўз натижаларини бераётган эди. Маҳаллий аҳоли ва рус кўчкинлари томонидан кўплаб қадимги асори атиқа топилмаларнинг аниқлангани ҳам юқорида кўрсатилган вазифаларни бажариш, минтақанинг янгича тарихий манзарасини чизиш, бу йўналишдаги ишларни тизимли, марказлашган ҳолда ташкил қилишнинг келажаги самарадор эканини кўрсатарди.

Мазкур мақолада, Ўзбекистон Миллий архиви ҳужжатлари, вақтли матбуот материаллари ва илмий адабиётлар асосида у пайтда Сирдарё вилояти таркибига кирган Тошкент ҳудуди ва унинг атрофи, Чимкент уезди ва Туркистон шаҳри (ҳозирда Қозоғистон ҳудуди)дан топилган "тасодифий" ашёларнинг тўпланиш жараёнини ёритишга ҳаракат қиламиз.

Тасодифий топилмалар минтақада археологик изланишларнинг фаоллашуви, унинг келгусида алоҳида академик йўналишга айланишига, комплекс экспедициялар ташкил этилишига ва уларнинг натижалари бўйича жиддий академик нашрлар амалга ошишига муайян даражада таъсир этган. Бошқа бир томондан, “тасодифий топилмалар” ҳаваскорларнинг қутилмаган, тайёргарликсиз олиб борган қазишмалари натижасида археологик ёдгорликнинг бир бўлагини ажратиб олиб, унинг бутун бир манзарасига, тарихий аҳамиятга эга объектга тиклаб бўлмас даражада зарар етказган.

Тасодифий топилмалар – XIX аср охирида энди-энди шаклланаётган Марказий Осиё археологиясида қайсидир маънода катта аҳамият касб этарди. Маълумки, метрополиянинг ўзида ҳам бу фан соҳаси дастлабки ривожланиш босқичида турган эди. Б.В. Лунин ўзининг машҳур “Туркистондаги рус шарқшунослиги ва археологияси тарихидан” (“Из истории русского востоковедения и археологии в Туркестане” [9] монографиясида мазкур масала борасида фикр юритиб, академик С.А. Жебелевнинг: “Императорлик археология комиссиясида рус археологияси у қадар нуфузга эга эмас эди, у ҳақда кам билишар ва у билан деярли қизиқишмасди... Петербург археологлари қисман классик археология, қисман тангашунослик билан, кўпроқ архив тадқиқотлари ва гарчи археологик бўлса-да, ер қаъридан топилмаган қадимиятни ўрганиш билан машғул эдилар”, деган далилларини келтириб ўтади [9: 19; 7: 9].

Ўз мулоҳазаларини давом эттирган Б.В. Лунин, Россия фанидаги археология йўналиши тез суратда ривожланаётгани ва “рус археолог олимлари ўз ишларининг усул ва услубияти билан нафақат ғарбий европалик ҳамкасбларидан қолишмасди, балки ўз илмий изланишлари даражаси билан улардан устун ҳам эди”, деб ёзган эди [9: 19–20].

Бироқ ўтмиш ва ҳозирда рус олимлари Туркистон минтақасига, унинг маданий ёдгорликлари ва қадимий ашёларини ўрганишга қандайдир “этнографик объект” сифатида қарашган. Ўша давр изланишлари чуқур илмий таҳлил этилмай, кўпроқ тавсифий хусусиятга эга бўлган. Шу боис, тасодифий топилмаларга жиддий аҳамият берилмаган.

Шундай бўлса-да, тасодифий топилмалар Марказий Осиё археологиясида муҳим ўрин тутади. Мисол тариқасида иккита ҳолатни таъкидлаш етарли: биринчиси – Кабадиёндаги оддий деҳқон топган Амударё хазинаси; иккинчиси Кичик Осиёнинг Пергам вилоятидан топилган Зевс эҳромини безаб турган – пергамон –

меҳроб (алтар) ҳисобланади. Мазкур тасодифий топилмалар нафақат муайян минтақа, балки жаҳон маданияти тарихи учун катта аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда Амударё хазинаси Британия музейида, пергамон эса Берлин музейида сақланади ва ҳар икки экспонатга бўлган қизиқиш нафақат тадқиқотчилар, балки кўплаб ташриф буюрувчилар томонидан доимо юқори саналади.

Бу каби топилмалар мазкур йўналишнинг келажакда қилинадиган тадқиқотлари учун тажрибавий (эмпирик) асос вазифасини бажарган. Улар баъзида археологик объектнинг ҳаққоний тарихини сохталаштиришга ҳам олиб келган. Баъзида академик нуқтаи назардан қимматбаҳо ва ўта муҳим бўлган топилмалар, "қора" қазувчилар фаолияти сабаб, турли коллекционерлар ёки оддий бойлик орттириш мақсадида осори атиқалар билан олди-берди қилувчи шахслар қўлига тушиб қолгани сабабли илмий муомалага жалб қилинмаган. Табиийки, мутахассислар уларнинг қайси маданиятга тегишлилигини аниқлашда ўта тахминий хулосалар чиқара олганлар холос. Марказий Осиёнинг археологик изланишлари тарихида бундай ҳолатлар кам эмас.

XIX асрнинг иккинчи яримидаёқ Ўрта Осиёнинг Россия империяси томонидан босиб олиниб, 1867 йилда Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил топгач, Тошкент воҳаси ва Чимкент уездида мақсадли археологик тадқиқотларнинг бошланишига россиялик шарқшунос, ўлкашунос, ҳаваскор археологлар, амалдорлар ва коллекционерлар томонидан асос солинган.

Ҳудуд тарихини ўрганишнинг дастлабки босқичи гоҳ-гоҳида рўй бериб турадиган хусусиятга эга. В.В. Бартольд таъкидига кўра, ҳатто ёзма манбаларда ҳам мазкур ҳудуд тарихи Марв, Бухоро ёки Самарқанддан фарқли ўлароқ, етарли даражада ўз аксини топмаган. Маълумотлар зарралаб йиғилар: қазишмалар пайтида тасодифан топилган қандайдир буюмлар ёзма манбаларда, тадқиқотчиларнинг кузатувлари ва бошқалар ҳолатларда қисман ёритилган.

1874 йилнинг 23 июнида Сирдарё вилояти Туркистон шаҳри уезд бошлиғи Сирдарё вилоятининг Ҳарбий губернаторига йўллаган 1979-сонли маълумотномасида келтирилишича, 5 июнь куни бир неча маҳаллий аҳоли вакиллари қирғизлар (қозоқлар – *Ф.Ш.*) Бектемир Урасаев, Колау Исетов ва сарт (ўзбек – *Ф.Ш.*) Чуқур Зақурбоев таъмир ишлари пайтида ер қазиб, тасодифан Султон Санжар Мирзо (Темур даврига қадар) даврига оид 612 та кумуш тангаси бўлган сопол кўза топишган. Бизнингча, бу маълумотнома топилмаларни Тошкентга юбориш учун илова хати бўлган, чунки унинг давомида

“... агар топилма хазина сифатида қолдириладиган бўлса, мен қайси маблағ ҳисобидан танга топганларни қаноатлантиришим керак бўлади”, деган сўров берилган [25: 1-в].

1886 йилда “Туркестанские ведомости”да Сирдарё ҳарбий губернаторлиги қошидаги махсус топшириқлар бўйича бош амалдори ҳаваскор ўлкашунос Е.Т.Смирновнинг Тошкент яқинидаги Ниёзбош почта станцияси олдида тупроқ уюмлари текисланаётган пайтида тасодифан сопол идишлар топилгани ва улар одам суяклари билан тўла бўлганлиги [19] ва бу дастлаб “ер эгаси бўлган деҳқон томонидан ташлаб кетилгани” [23: 2-в] ҳақидаги маълумоти эълон қилинган. Топилмани ўрганган Е.Т. Смирнов “бу – шубҳасиз дафн идиши, исломгача бўлган даврда бу ерда яшаган халққа тегишли бўлиб, бу топилма катта археологик қизиқиш уйғотади”, деган хулосага келган [23: 2-в]. Маълумот муаллифи топилган идишни батафсил ёритар экан, маҳаллий аҳолидан сўраб-суриштириб, бу каби дафн усуллари “Зардуштийлик динига ёки бошқача айтганда – оташпарастликка эътиқод қилган на қадимги форсларнинг, буддавийликка эътиқод қилган на мўғулларда ва турклар амалиётида бўлмаган. Топилган қабр кўпроқ юнонларнинг дафнини эслатади” [19] деган тахминга келган. У бу топилмаларни бу ерга юнон-мекедонларнинг келгани билан боғлайди. Кейинчалик генерал-губернаторнинг буйруғи билан топилган барча топилмалар Тошкент оммавий музейига топширилади.

Бошқа бир тасодифий топилма худди шу йили “Никифоров ерлари” (ҳозирги Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек тумани Буюк ипак йўли)да топилади. Булар иккита фантастик шакллар акс эттирилган сопол парчалари бўлиб, улар Императорликнинг Археологик Комиссиясига юборилади ва фавқулодда қизиқарли деб, эътироф этилиб, ўша жойни тўлиқ тадқиқ этиш сўралади [11: 305]. Шундан сўнг Тошкент ўқитувчилар семинарийсининг директори, тарихий-археологик хусусиятга эга мақолаларни чоп этиб бораётган “Туркестанская туземная газета”нинг муҳаррири, кейинчалик ТҲАТ (Туркистон ҳаваскор археологлар тўгараги)нинг раиси – Н.П. Остроумов [10: 260] Императорлик археология комиссиясининг топшириғига кўра, семинарийнинг бир неча ўқитувчилари билан бирга ўша жойда кузатув тадқиқот ишларини амалга оширди. Натижада, ғор аниқланиб, у ердан одам суяклари, сопол хумчалар, қадаҳлар ва сопол остодонлар топилган [1; 13].

1887 йилда археологик қазишмалар олиб бориб, 20 та қўрғонни очган Н.П. Остроумов “Никифоров ери” батамом қабрлардан иборат

бўлиб, ортиқча илмий аҳамиятга эга эмас [13], шундай бўлса-да, уларни ўрганиш тарихий-антропологик маълумотлар беради, деган хулосага келган. Аслида Н.П. Остроумовнинг мақсади бундан иборат бўлмаган кўринади.

Умуман олганда, Тошкент воҳаси тадқиқотчилари бир неча бор Археологик комиссияга Тошкент ва унинг атрофи турли хилдаги қадимги иншоотларга бойлиги, фақатгина изчил археологик тадқиқотлар ўтказиш кўплаб қизиқарли саволларга жавоб бериши мумкинлиги ҳақида маълумот бериб туришган. Тасодифий топилмалар ёки маҳаллий аҳолидан сотиб олинган қадимги ашёлар илмий хулосаларга таъсир этмай қолмас эди. Қолаверса, агар топилмалар қимматбаҳо тошлар, олтин, кумуш ёки мис тангалар, заргарлик буюмларидан иборат бўлса маҳаллий аҳоли, ҳар доим ҳам улар ҳақида маълумотлар беравермас эди [2, 3].

“Правительственный вестник” газетасининг 1887 йил 3-сонида кичик бир мақола эълон қилиниб, унда “Чиноз-Жиззах оралиғидаги чўлда” (Мирзачўлда – *Ф.Ш.*) олиб борилган гидротехник ишлар пайтида, яъни бир вақтлар фаолият юритган Ўримбой мирза ариғи, Бухоро ариғи, Шаҳар ариқларини тиклаш чоғида тасодифан ноёб топилмалар ва бир замонлар мавжуд бўлган манзилгоҳ излари топилгани ҳақида хабар берилган. Жумладан, “бронзадан ясалган, юнонча шаклдаги тўғри, дудома қилич”, Кўҳна Урганч харобаларидаги сопол идишларга ўхшаш кўплаб сопол идишларнинг безак парчалари, шиша идишларнинг қолдиқлари топилган [14; 20]. Маҳаллий аҳоли билан ўтказилган суҳбатлар ва сўров-суриштирувлар қадимда бу ерда (Мирзачўлда – *Ф.Ш.*) бой-бадавлат манзилгоҳлар бўлганидан далолат беради.

1893 йилнинг 8 майида Сирдарё вилояти бошқармасининг ер ўлчовчиси (танобчиси) К.М. Баронин Чимкент уездининг Мамаевка қишлоғидаги “Қоравултепа” қўрғонида ер ўлчаётган чоғида таноб ердаги чуқурдан иккита сопол кўзада тангалар топиб олди [25: 9-в]. Биринчи кўзада “3700–3800 дона, ... оғирлиги 19 фунт” атрофида мис танга бор эди. Топилган барча тангаларда куфий ёзувидаги исломий битиклар келтирилган эди. Шу билан бирга, кўзада бошқа буюмлар ҳам бор эди. Жумладан, иккита кумуш блакузук, учта пардоз анжоми, 16 та турли ўлчамдаги пардоз тошчалари, саксон тўртта маржон, битта мис тўқа, тўртта тилла парчаси, эгасининг исми битилган шахсий узук бўлаги кабилар топилган [24: 9-в].

Ушбу топилма борасида Императорлик археология комиссияси ва Туркистон маъмурияти органлари орасида бир неча ой топил-

маларнинг турли жиҳатлари хусусида ёзишмалар давом этган. Танобчи К.М.Баронин Тамерлановка қишлоғидан Чимкент уезди бошлиғига йўллаган 1893 йил 24 майдаги 11-сонли расмий хатида ўзининг топилмаси ҳақида батафсил хабар бериб, Арис дарёси бўйидаги тупроқ қўрғонларда бундай топилмалар тез-тез учраб туришини таъкидлайди. Уларни санаб ўтар экан, яна бир қизиқарли бўлган иккинчи топилмасини ҳам баён қилади: “Бошқа бир пайт... Ишорат қозиғи ўрнатиш учун чуқур қазилаётган чоғда кўплаб сопол парчалари аниқланди, ... тахминан, 1 ½ арш чуқурликдан, мутлақо бутун сопол хонтахта чиқариб олинди, баландлиги тахминан ¼ арш бўлиб, айлана шаклининг диаметри 1 арш, уч оёқли, пастида хочсимон безак бўртиб турарди; хонтахта сарғиш бўёқ билан бўялган бўлиб, ердан кўтариб олаётганда тўкилиб тушди. Хонтахта тагида қатламда чириб кетган кийим борга ўхшарди; бу ердан қўл тегирмонининг тоши топилди, қирғиз (қозоқ – *Ф.Ш.*)ларникига ўхшарди” [24: 9-в орқаси]. Ўз топилмаларини қайд этар экан, танобчи бу ҳудудда қачонлардир қалъа бўлганини фараз қилди. Уни қирғиз (қозоқ – *Ф.Ш.*)лар “Таяқ салди” деб аташарди ва бу кабилар теварак атрофда кўп эди.

Мазкур хатни охиригача ўқир эканмиз, К.М. Баронининг айнан моддий томондан ҳам ўз мақсадлари бўлган деган хулосага келамиз. Чунки у хат сўнггида: “Буларнинг барчасини Сиз олийҳиммат мен топилмаларим сифатида Императорлик археология комиссиясига керакли тартибда тақдим этишингизни ўтинаман, Сиздан мен учун ғазнадан қонун бўйича етарли миқдорда мукофот ажратишларини расмий илтимос қилишингизни сўрайман”, деб ёзади [24: 9-в орқаси].

Худди шундай илтимос ёзилган бошқа бир ҳужжатда Чимкент уездининг Мамаевка қишлоғига мансуб деҳқон Игнатий Крылков Сирдарё вилояти ҳарбий губернаторига илтимоснома жўнатиб, “танобчи фуқаро Баронин билан бирга ер қазиш ишларида иштирок этган пайтда мис ва кумуш тангалар хазинаси топилгани” ва шу аснода “мукофотдан ўз улушини ажратилишини” сўрайди” [24: 32-в].

Умуман олганда, бу каби тадбирлар, яъни Императорлик археология комиссияси томонидан пул мукофотлари бериш амалиётда қўлланилгани давлат муассасаларининг илмий аҳмиятга молик тасодифий топилмаларга дахлдор ёзишмалари билан танишиб, ишонч ҳосил қилиш мумкин. Юқорида қайд этилган топилма билан ҳам шундай бўлган [24: 18, 23, 30–31].

1893 йилнинг 31 декабри (1894 йилнинг 10 январи)да Казалинск уезди Бошлиғи Сирдарё вилояти ҳарбий губернаторига 5243-сонли

қуйидаги маълумотномани юборади: “Қорақумнинг Казалинск шаҳридан 200 верст масофадаги қум дўнгликдан Қоратепа волостилик қирғиз (қозоқ – *Ф.Ш.*) Акдар Акпанов томонидан ичи бўш мис идиш топилган. Унинг оғирлиги бир пуд келиб, қирғизча (қозоқ – *Ф.Ш.*) “мис қозон” деб аталган ва у ҳам Императорлик археология комиссиясига юборилган” [25: 1-в]. Бир неча ой ўтгач, 1894 йилнинг 8 июнида Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори Императорлик археология комиссиясидан 695-рақамли хат олади, унда Казалинск уезди бошлиғи Акдар Акпановга бериш учун йигирма рубл мукофот пули юборилгани, тўғрисида гап боради [25: 6-в.].

Юқорида қайд этилган тасодифий археологик топилмаларнинг барчаси Тошкент музейига келтирилган ва бу ердан бир қадар қимматлилари ёки муайян нусхалари Императорлик археология комиссиясига жўнатилиб, дастлабки ўрганишлардан сўнг у ёки бу ҳудудда мақсадли археологик қазишмалар олиб бориш учун кўрсатмалар берилган. Энг қимматбаҳо топилмаларни Императорлик археология комиссияси Россия императорига кўрсатишган ва у эса топилмани Император Эрмитажига ёки бошқа кўрсатилган жойга ё бўлмаса қадимги ашёлар сақланадиган ерга топшириш бўйича қарор қабул қилган [25: 7-в]. 1897 йилда ушбу комиссия аъзоси Веселовскийни Туркистон ўлкасига археологик тадқиқотлар ўтказиш учун юборилар экан, Афрасиёбда қазишмалар ўтказиш жараёнида “Императорлик Эрмитажи минс-кабинети учун қадимги тангалар коллекциясини йиғиш асосий илмий вазифа сифатида топширилади” [21: 77].

Бундан ташқари, тангалар хазинаси, сопол хонтахталар, қўл тегирмонтоши каби тасодифий топилмалардан иборат осори атиқаларнинг Чимкент нусхалари Н. Остроумовнинг таклифини қўллаб-қувватлашга имкон берган. Натижада, у Археология комиссияси топшириғи билан топилмалар жойини кўриш учун Мамаевкага келиб, “ушбу жойдаги янада кўпроқ қўрғонларни хариталаштириш, имкон даражасида майдаларини нуқталар билан белгилаш, каттароқ қўрғонларни эса қисқача ҳажми билан бирга тарҳини олиб”, Туркистон ўлкасининг археологик харитасини тузиш мақсадида Баронин ишини давом эттиради [24: 11–12-в].

Мис ва кумуш тангалар борасида Н.П. Остроумов, тангалар шубҳасиз қадимий, улардаги ёзувлар куфийда битилган, деган хулосага келди. Қандай қилиб кўза бу ерга келиб қолган деган саволга тадқиқотчи: “Эҳтимол – хазина эгаси қандайдир душман босқини пайтида хазинани яширмоқчи бўлган ёки дашт қароқчиси қадимги Ўтрордан бўлган тинч савдогарни тунаган ва кейин ўзининг кўчманчи

юртига қайтаётганда қўлга киритган бойлигини даштликдаги дўнгликка кўмган; охир-оқибат қандайдир янги олишувда ўз рақиблари томонидан унинг ўзи ҳам ўлдирилган бўлиши мумкин”, деб жавоб беради [22: 162–163].

1895 йилда Тошкент шаҳрида Туркистон ҳаваскор археологлари тўгараги ташкил этилгач, Туркистон тарихи бўйича материалларни тўплаш жараёни тизимли хусусият касб эта бошлади. Аммо Туркистон тўгараги фаолияти кузатув ишларидан, ер юзасидаги материалларни йиғиш, кичик қазишмалар ўтказишдан иборат бўлиб қолди. Бу унинг таркибида бирор бир малакали археологнинг бўлмаганлиги билан изоҳланар эди [16]. Қазишмалар асосан, бирор бир илмий услуб қўлланилмай олиб борилар эди. Чунки бу пайтгача ҳали ҳеч қандай илмий услуб ишлаб чиқилмаган эди. Тўгарак аъзоларининг маърузалари, мақолалари, маълумотлари ва ҳисоботлари топографик, ўлкашунослик [17; 8], географик [5], этнографик [6], тилшунослик хусусиятига эга бўлган. Дастлабки тадқиқотлар ҳам Тошкент минтақасида, ҳам ҳозирги Қозоғистон ҳудудида олиб борилган.

Хусусан, бу пайтда тўгарак аъзоси бўлган Е.Т. Смирнов маърузасида Тошкент ва унинг атрофи сунъий равишда кўтарилган деб ҳисоблаган кўплаб тепаликлар, кичик ва йирик дарёлар йўналишлари билан батафсил келтирилган. Нашр этилган маърузасида, муаллиф аудиториядагилар олдига аниқ саволлар қўяди: “Бу тепаликлар, тепачалар ва дўнгликлар қурилиши қайси тарихий даврга тегишли? Қайси халқлар томонидан, нима мақсадда қурилган? Бу саволларга жавоблар йўқ, лекин шуниси маълумки, уларни кўп сонли ва кучли халқ бунёд этган” [17: 9].

Шунингдек, аввалроқ зикр этилган остодонлар тадқиқини таҳлил этган Е.Т. Смирнов тўгарак аъзоларига қуйидаги саволлар билан юзланади: “Бу қандай кўмиш усули бўлди, қайси давр, қайси дин, қайси халққа тегишли?”, ва ўзи тахминларини баён қилади: “Бу ерда буддавийлик, христианлик ва муҳаммадийлик (ислом – *Ф.Ш.*) пайдо бўлган даврга қадар ҳукм сурган Зардуштийликка эътиқод қилганларнинг дафн усулларига ўхшамайдими?” [17: 11]. Буларнинг барчаси муаллифнинг тадқиқот ўтказишдан олдин кўплаб манбаларни имкон қадар ўргангани, Тошкент тарихи мавзусига яна бир неча бор мурожаат қилганидан далолат беради.

Туркистон тўгарагининг 1900 йилдаги 4-мажлисида Е.Т.Смирнов қадимги Қанқа шаҳристони харобасидаги кузатув ишлари натижалари ҳақида маълумот бериб [18], ёзма манбаларга суянган ҳолда мазкур

жойнинг топографик тавсифини, қадимги шаҳарнинг сув таъминоти йўлларини батафсил ёритади (ёдгорлик Тошкент вилояти Оққўрғон тумани ҳудудида жойлашган бўлиб, у ерда академик Ю.Ф. Буряков бошчилигида археологик тадқиқотлар шу кунларга қадар давом эттирилган – *Ф.Ш.*). У мажлис аъзоларига ер юзасидан олинган топилма материал намуналари: шиша ва сопол идишлар бўлакларини тақдим этади. “Шиша парчалари қолдиқлари Ангрен (Оҳангарон – *Ф.Ш.*) водийсининг барча қадимги қўрғонларидан кўплаб миқдорда топилишини” таъкидлар экан, “шиша идишлар бошқа ердан олиб келинмагани, маҳаллий аҳоли томонидан ишлаб чиқарилганини” тахмин қилади, “манбаларнинг гувоҳлик беришича, жуда қадим замонларда хитойликлар Ўрта Осиёдан шиша ясашни ўзлаштириб олганлар”, деб кўрсатиб ўтади [18: 174–175].

Топилган сопол парчаларининг таснифи Е.Т. Смирновга ўша даврда аҳоли қандай идишдан фойдалангани, шаҳарни сув билан таъминлаш учун қандай қувурлари ётқазилганини аниқлаш имконини берган.

Таъкидлаш жоизки, илк археологик тадқиқотларнинг мазкур босқичи Шоштепа (Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эркин қўрғони)даги дастлабки қазишмаларда олиб борилган. 1896 йилда Н.П. Остоумов шаҳристон қўрғонига хандақ қазиб, девор қатламини кесиб ўтди, учта ер ости ўтиш йўлаги ва найзасимон аркини очди. Иншоот қолдиқлари ерости биносига уланган соқчилар турадиган жой эканини аниқлади [15]. Жараёнда кулолчилик буюмлари, темир парчалари, шиша бўлаклари, ҳайвонларнинг суяк қолдиқлари ва бошқа нарсалар топилган. Афсуски, на топилган ашёларнинг ва на шаҳристонга аниқ сана қўйилмаган.

Бу пайтда Ўрта Осиё археологияси энди шаклланаётган ва юзага келаётган саволларга жавоб бера олмасди. Бироқ Туркистон ҳаваскор археологлари тўгарагида топилмаларга оид долзарб муаммолар юзасидан тез-тез мунозаралар бўлиб турарди [12]. Турли хил нуқтаи назарлар айтилар, кейинчалик илмий муҳокамаларга сабаб бўларди, остодонлар мавзуси шулар жумласидандир [4].

Албатта, тадқиқотчиларнинг ўша пайтдаги кўплаб мулоҳазалари хато ёки баҳсли бўлган. Аммо ўша тасодифий топилмалар, илк кузатув ишлари, нашрлар ва архив материалларида ўз аксини топган ҳаваскор археологларнинг кичикроқ бир қазишмалар хусусидаги дастлабки хулосалари кейинчалик минтақада узоқ йиллар давомида тадқиқотлар ўтказишга туртки берган.

Археологиядаги тасодифий топилмаларнинг ижобий ҳамда салбий жиҳатлари борасида бирон-бир гап айтиш қийин. Лекин шу

ўринда, Амударё хазинасининг ижобий ва аҳамиятли томонларига тўхталсак. Биринчидан мазкур топилмага бағишлаб бир неча тадқиқотлар ўтказилди. Иккинчидан, Амударё хазинасидаги буюмлар санъат асарининг ноёб намунаси ҳисобланади. Учинчидан, буюмларга оид илмий тадқиқотлар улар яратилган даврда юнон, бақтрий ва кушон маданий анъаналари ўзаро қоришиб борганини кўрсатди. Қолаверса, мазкур хазина Б. Литвинский ва Пичикян томонидан қазишма ишлари олиб борилган Тахти Сангиндаги Ўкуз худоси эҳромига мансуб қимматбаҳо бойликларнинг бир қисми ҳисобланади, деган фаразни ҳам илгари сурди.

Салбий жиҳати шундаки, хазина археологик изланишлардан ташқарида топилган. Тасодифий топилма тадқиқотчи учун ашёвий материал сифатида хизмат қилиб, қачон, нимага, қандай қилиб бу топилма айнан шу ерга келиб қолган, бу хазинами ёки эҳромга тегишлими ёхуд бирон-бир шахс (ҳукмрон сулола ва аслзода)нинг қимматбаҳо буюмларими, деган саволларга жавоб бера олмайди. Бироқ шу каби саволлар илмий тадқиқотларни давом эттиришга ҳамда археология фанини ривожига имкон бериб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. А.Р. Библиографический листок. Отчет Императорской Археологической Комиссии за 1882–1888 годы. СПб. 1891 г. // Туркестанские ведомости. 1892. 20 октября. № 42.
2. Андреев М. Местности в долине р. Ангрена, интересные в археологическом отношении // Туркестанские ведомости. 1893. 16 (29) июня. № 46.
3. Бартольд В.В. К вопросу об оссуариях Туркестанского края // ИРКИСВА. Санкт-Петербург, 1908. № 8. С. 47–69;
4. Бартольд В.В. Работы по археологии, нумизматике, эпиграфики и этнографии / Сочинения. Т. IV. Москва, 1966. С. 154–171.
5. Вяткин В. К исторической географии Ташкентского района // Туркестанские ведомости. 1900. № 101.
6. Диваев А. Промыслы и занятия туземцев азиатского города Ташкента // Туркестанские ведомости. 1901. № 33.
7. Жебелев С.А. Археолог-энтузиаст (Памяти А.А. Спицына) // Советская археология. Вып. X. Москва, 1948. С. 9–11.
8. Кастанье Л. Отчет о поездке в Шахрухию и местность «Канка» // Протоколы ТКЛА. Год XVII. Вып. II. 1 апреля 1913 г. – 11 декабря 1913 г. Ташкент, 1913. С. 112–123.

9. Лунин Б.В. Из истории русского востоковедения и археологии в Туркестане. Туркестанский кружок любителей археологии (1895–1917 гг.). Ташкент, 1958.
10. Лунин Б.В. Историография общественных наук в Узбекистане. Биобиблиографические очерки. Ташкент, 1974.
11. Никитенко Г.Н. Н.П. Остроумов и истоки археологической науки Средней Азии // Востоковедческие чтения памяти Н.П. Остроумова. Сборник материалов. Ташкент, 2008. С. 303–313.
12. Остроумов Н. Новые данные о глиняных погребальных урнах // Протоколы ТКЛА. Год XI. 1 января 1906 г. – 1 января 1907 г. Ташкент, 1906. С. 32–44.
13. Остроумов Н.П. Из поездки в селение Мамаевку // Туркестанские ведомости. 1893. № 50, 52.
14. Правительственный вестник. 1887. № 3.
15. Протокол заседания от 26 августа 1896 г. // Протоколы ТКЛА. Вып. 1. Ташкент, 1896. С. 23–26.
16. Ртвеладзе Э.В. Краткий очерк истории изучения археологических памятников Средней Азии // Историко-археологический обзор Древней Средней Азии (Рукопись из архива автора).
17. Смирнов Е.Т. Древности в окрестностях города Ташкента // Протоколы ТКЛА. Вып. 1. Ташкент, 1896. С. 1–26.
18. Смирнов Е.Т. Развалины города Канки // Протоколы ТКЛА. Приложение к протоколу. Ташкент, 1900. № 4. С. 164–168.
19. Туркестанские ведомости. 1886. 6 мая. № 17.
20. Туркестанский сборник. Ташкент, 1907. Т. 432. С. 22.
21. Туркестанский сборник. Ташкент, 1907. Т. 433. С. 76–77
22. Туркестанский сборник. Ташкент, (без года издания). Т. 570. С. 162-163.
23. Ўзбекистон миллий архиви (Кейинчалик – ЎзМА), И-17-фонд, 1-рўйхат, 917-иш.
24. ЎзМА, И-17-фонд, 1-рўйхат, 1433-иш.
25. ЎзМА, И-17-фонд, 1-рўйхат, 1526-иш.
26. ЎзМА, И-17-фонд, 1-рўйхат, 3146-иш.

Ф. Шомукарамова

Тасодифий топилмалар – Туркистон археологиясининг дебочаси

Мақолада XIX асрнинг охирги чорагида Тошкент ҳудуди ва унинг атрофидан, Чимкент уезди ва Туркистон (ҳозирда Қозоғистон ҳудудида, аммо мустамлака даврида Сирдарё областига қарашли бўлган) шаҳридан “тасодифан” топилган ашёларнинг тўпланиш жараёни Ўзбекистон Миллий архиви ҳужжатлари, вақтли матбуот ҳамда илмий адабиёт материаллари асосида ёритилган. Ҳаваскор-ўлкашунослар томонидан олиб борилган дастлабки археологик тадқиқотларнинг амалга оширилишига асос бўлган, Ўрта Осиё минтақасида археологик изланпшларнинг фаоллашувига олиб келиб, кейинчалик алоҳида академик йўналишга айланиши, хусусан, комплекс экспедициялар ташкил этилишига олиб келган тасодифий торилмаларнинг кейинги тақдири кўриб чиқилади.

Бошқа томондан эса ҳаваскорларнинг режасиз, тайёргарликсиз олиб борган қазиш ишлари натижасида қўлга киритилган “тасодифий” топилмалар умумий манзарасини бузган ҳолда археологик ёдгорликнинг умумий контекстидан қандай қилиб ажратиб олингани, шунингдек, тарихий объектнинг муҳим аҳамиятга эга элементларига қайта тикланмайдиган даражада зарар етказилгани кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: *Россия империяси, Туркистон ўлкаси, Тошкент, Чимкент уезди, Мамаевка, Туркистон генерал-губернаторлиги, Н.П. Остроумов, Е.Т. Смирнов, Императорлик археолгия Қўмитаси, Шоштепа.*

Ф. Шамукарамова

Случайные находки – начало туркестанской археологии

В статье, на основе архивных документов Национального архива Узбекистана, материалов периодической печати и научной литературы, освещен процесс накопления «случайных» находок на территории Ташкента, его окрестностей, Чимкентского уезда и г. Туркестана (ныне территория Республики Казахстан, но в колониальный период входил в Сырдарьинскую область) в последней четверти XIX века.

Прослежена дальнейшая судьба случайных находок, на основе которых были осуществлены краеведами-любителями первые археологические изыскания, способствовавшие активизации археологических исследований в центральноазиатском регионе и превращению, в последующем, в отдельное академическое направление, включая организацию комплексных экспедиций.

С другой стороны, показано как «случайные» находки, обнаруженные преимущественно в результате стихийных и неподготовленных раскопов любителей, вырывали артефакт из общего контекста археологического памятника, искажая его целостную картину, а также зачастую приводили к безвозвратному разрушению более значимых элементов исторического объекта.

Ключевые слова: *Российская империя, Туркестанский край, Ташкент, Чимкентский уезд, Мамаевка, Туркестанское генерал-губернаторство, Н.П. Остроумов, Е.Т. Смирнов, Императорская Археологическая Комиссия, Шаштепа.*

F. Shamukaramova

Causal findings – the beginning of Turkestan archeology

The article, shed the light the process of accumulation of "accidental" finds in the territory of Tashkent, its environs, Chimkent district and the city of Turkestan (now the territory of the Republic of Kazakhstan, but during the colonial period it was part of Syrdarya region) in the last quarter of the 19th century, basing on archival information from the National Archives of Uzbekistan, materials from periodicals and scientific literature. There were traced the further fate of causal findings, which were the basis for the first archaeological researches carried out by amateur local historians, which contributed to the intensification of archaeological researches in the Central Asian region and the subsequent transformation into a separate academic direction, including the organization of complex expeditions.

On the other hand, it has been shown how "accidental" findings, discovered mainly as a result of spontaneous and unprepared excavations by amateurs, pulled the artifact out of the general context of the archaeological site, distorting its integral view, and also often led to the irretrievable destruction of more significant elements of the historical object.

Key words: *Russian Empire, the Turkestan region, Tashkent, Chimkent district, the Mamaevka, Turkestan Governor-General, N.P. Ostroumov, E.T. Smirnov, the Imperial Archaeological Commission, Shashtepa.*